
Олтиариқ тумани ҳокими Ш.Турдалиевнинг "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни" байрами муносабати билан йўллаган табриги

Қадрли қишлоқ хўжалиги ходимлари! Фермер ва соҳибкорлар!

Сизларни бугунги "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни" касб байрамингиз билан табриклайман.

Мамлакатимизда етакчи соҳа бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, юртимиз дастурхонига ноз-неъматлар етиштиришда Сизларнинг хизматларингиз беқиёс. Қолаверса, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг ижроси ва серқуёш ўлкамизда етиштирилаётган маҳсулотларни экспортини юқори даражаларга кўтаришда ҳам катта ҳисса қўшмоқдасизлар.

Олтиариқ деҳқонлари, чорвадор ва боғбонлар, фермер хўжаликлари меҳнаткашлари йилдан-йил олдиларига қўйган мақсадларига муваффақият билан эришиб келаётганликлари Юртбошимиз томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда.

Халқ манфаати йўлида амалга ошираётган соҳибкорлик ишларингизни қадрлаймиз. Сизларни ва барча меҳнаткашларни бугунги байрам билан муборакбод этаман. Сизларга мустаҳкам соғлик ва ишларингизда зафарлар тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин.

Ш. Турдалиев Олтиариқ тумани ҳокими.

2022-12-12 08:11:02